

---

## ОНАЛАРГА ЭҲТИРОМ

Анъанага айланган «Оналарга эҳтиром» тадбирлари бугун 21- давлат мактабгача таълим ташкилотида бўлиб ўтди.

Тадбирга мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг оналари таклиф этилди. Тадбир давомида тарбиячилар томонидан 1941-1945 уруш йилларида ўзбек аёлининг бошига тушган мусибатлар акс этган сахна кўриш намойиш этилди. Саҳнада ўзбек аёлининг сабри ва матонати акс эттирилди. Бундан ташқари кўнгилга хуш ёқувчи куй-қўшиқлар ижро этилди.

Байрам сўнгида ҳар бир тарбиячи икки оғиз дилдан чиққан тилаклар ва гулдаста билан ўз оналарини бугунги байрам билан табрикладилар. Албатта ҳар бир онанинг кўзлари қувонч ёшларига тўлди. Оналаримизни қанча эъзозласак, шунча кам.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2023-05-08 17:05:56